**Тошкент вилояти минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармасини**

# НИЗОМИ

Ғазалкент шаҳри 2011 йил

# 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1.1.** Кейинги ўринларда Бошкарма деб юритиладиган Тошкент вилояти минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошкармаси ўз фаолиятида 2006 йил 17 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК - 445 - сон карори билан "Ўзкоммунхизмат" агентлиги тасарруфига киритилган. Бошкарма Тошкент вилояти минтақалараро сув кувурларидан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлашни амалга ошириш ҳуқуқига эга булган мустакил. хўжалик ҳисобидаги Давлат корхонаси ҳисобланади.

**1.2.** Бошкарма Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги таркибига киради. юридик шахс хисобланади. ўзининг мустакил балансига. айланма маблағларига. банкда ўз хисоб ракамига ва бошка ракамларга эга. сув тозалаш иншоотлари ва сув кувурларини таъмирлашга ажратилган пул маблағлари. шунингдек. ўз балансида хисобда турадиган барча моддий бойликларини тасарруф этади.

**1.3.** Бошкарма. микдори ўз балансида акс этган Устав жамғармасига эга. хамда конунчиликда белгиланган бошка жамғармаларни ташкил этиши мумкин.

**1.4.** Бошкарма Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири туширилган ва ўзининг номлари битилган думалок мухрга ва бурчак штампига эга.

**1.5.** Бошкарма ўз фаолиятини бажаришда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига ва «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги буйрукларига. кўрсатмаларига. бошка меъёрий хужжатларга хамда ушбу Низомга амал килади

**1.6.** Бошкарма «Ўзкоммунхизмат» Агентлигининг мажбуриятлари учун жавобгар ҳисобланмайди. Алохида холларда ўзаро жавобгарлик шартномавий мажбуриятлар ва Бошкармага тегишли меъёрий хужжатлар билан белгиланади.

**1.7.** Бошкарма жойлашган манзил: 702180. Тошкент вилояти. Газалкент шахри, Бўстон кўчаси. 2 - а уй

# 2. АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИ

**2.1.** Бошкарма Тошкент вилоятининг шахарлари. туман марказлари. шахар ва кишлок поселкалари ахолисини. коммунал - маиший корхоналарини. хужалик хисобидаги ва давлат ташкилотларини ичимлик суви билан бевосита таъминлаш учун ташкил этилган.

**2.2.** Бошкарманинг вазифалари куйидагилардан иборат:

минтакалараро сув кувурларини ишончли ва мустахкам хамда баркарор ишлашини таъминлаш. объектлардан юкори рентабелликда фойдаланиш ва уларни таъмирлаш. истеъмолчиларга Давлат Стандартларида белгиланган талабларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сувини шартномаларга асосан етказилиб турилишини таъминлаш;

сув тозалаш иншоотларида ва сув кувурларидаги носозликларни энг киска муддатларда бартараф этиш ва кутилмаган носозликларни олдини олиш. уларнинг сабабларини чукур ўрганган холда такрорланмаслик чораларини куриш ва уларни оғишмай амалга ошириш;

мавжуд ишлаб чиқариш кувватларидан самарали фойдаланиш, тежамкорлик ва иктисод килиш тартиб-қоидаларига катъий риоя килиш, илмий-техник тараккиет ва илгор тажрибанинг энг замонавий ютукларини жорий этиш, сув қувурларидан фойдаланишига чет эл инвестицияларини ва технологияларини жалб килиш;

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» Агентлигига корхонани ривожлантириш ва ишлаш фаолиятини самарадорлигини ошириш буйича таклифлар киритиш;

минтакалараро сув қувурлари объектларининг рентабеллигини ошириш дастурларини тайерлаш, ушбу максадга йуналтирилган зарурий асбоб - ускуналар ва таъмирлаш материаллари билан етарли таъминлаб бутлаш;

бозор иктисодиёти шароитларида хўжалик юритишнинг янги замонавий услубларини ишлаб чикиш ва жорий этиш, молиявий - иктисодий ишларнинг самарадорлик даражасини ошириш, мунтазам равишда молиявий ахволни мустаҳкамлаш.

## 3. БОШҚАРМАНИНГ МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

**3.1.** Бошқарма мулкини, унинг мустакил балансида акс этган асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек бошқа бойликлар ташкил этади.

**3.2.** Бошкарма ўзига тегишли биноларни, жиҳозларни, транспорт воситаларини бошқа корхоналарга, муссасаларга ва ташкилотларга бериш, шунингдек, уларни белгиланган тартибда сотиш ва балансдан чикаришни «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги билан келишилган ҳолда амалга оширади, колган мулкдан эса ўз ҳохишига караб фойдаланиш ҳукукига эга.

**3.3.** Мулкни шакллантириш манбалари куйидагилардан иборат:

етказиб берилган сув, курсатилган хизматлар ва хўжалик юритишнинг бошка турларидан келиб тушадиган фойдалар;

банклардан олинадиган ва бошқа кредитлар;

бюджетдан бериладиган дотациялар;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳужжатлари билан маън этилмаган бошқа манбалар;

корхона фойда ҳисобидан шакллантирилган резерв капитал, мулкни қайта баҳолашда юзага келадиган инфляция резервлари ҳамда текинга олинган мулклар ҳисобига ташкил этилади;

бошқарманинг устав фонди 2550202600 сум килиб белгиланган.

**3.4.** Бюджетга туланган соликлардан , юқори ташкилотни саклаб туришга кетган сарфлар ва бошқа туловлардан, шунингдек, марказлаштирилган жамғармаларга ўтказилган чегирмалардан ортган фойдалар, Бошқарманинг тулик тасарруфида колади ва ундан фойдаланиш йўналишларини Бошкарма мустакил белгилайди.

## 4. АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

**4.1.** Юкланган вазифаларга мувофик, Бошкарма куйидаги функцияларни бажаради:

амалдаги қонунчиликдан ва тузилган шартномалардан келиб чикадиган мажбуриятларни;

энг зарур булган моддий техник манбаларни (зарарсизлантирувчи воситалар, реагентлар, насос жиҳозлари, ростлаш мосламалари, кувурлар ва х.к.) зарурат такозосига мувофик мунтазам таъминлайди ҳамда таъмирлашларни жиҳозлар ва материаллар билан бутлашни амалга оширади;

соликларни ва бюджетга туланадиган бошка туловларни, шунингдек сохани баркарорлаштириш ва бошка жамгармаларига чегирмаларни ўз муддатларида тулайди;

давлат ва ишлаб - чикариш интизомига риоя этилишини таъминлайди;

жамоа шартномалари буйича мажбуриятларни бажаради;

меҳнатни ташкил килишни, меҳнатга хак тулаш тизимини, ходимларни моддий рагбатлантиришни, шунингдек, бошкарув тўзилмасини,фан ютуклари ва илгор тажрибалардан фойдаланган ҳолда такомиллаштириб боради;

хўжалик-ичимлик сувлари сифатининг лабораторияда кимёвий-бактериологик назоратини, объектларнинг кўзги-кишки мавсумларда ишлашига тайёрлашни, таъмир ишларини ва иншоотларни паспортизация килишни амалга оширади;

меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизли, ёнғинга карши ва йўл харакати хавфсизлиги буйича чора-тадбирлар ишлаб чикади ва уларни бажаради, ишлаб чикаришдаги бахтсиз ходисаларни текширишда иштирок этади, бахтсиз ходисаларнинг сабабларини бартараф этиш буйича чора-тадбирлар ишлаб чикиб, уларни бажаради;

ишлаётган ходимларнинг индивидуал химояланиш ва ёнғинга карши воситалар билан таъминлайди;

категорияланган сув тозалаш ва таксимлаш иншоотларининг курикланиши ва зарур техник ҳолатда саклаб турилишини, атроф муҳитни химоя килиш талабларига риоя этилишини таъминлайди;

объектларни минтакалараро сув кувурларига улаш техник шартлари буйича таклифлар тайёрлайди;

сувдан фойдаланишга махсус рухсатномаларни ўз вактида расмийлаштиради ва ичимлик суви ҳисоб - китобини олиб борилишини ташкиллаштиради;

янги техника буйича тадбирларни жорий этади, корхонанинг техник даражасини, шунингдек, автоматлаштириш ва телемеханиканинг технологик жараёнларининг даражасини такомиллаштириб боради.

4.2. Бошкарманинг меҳнат даромадлари:

Бошкарма ходимларининг меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги амалдаги қонунчилик ва жамоа шартномаларига мувофик бошкарилади;

хар бир ходимнинг меҳнат даромадлари унинг шахсий меҳнат хиссасига караб, бошкарма ишини якуний натижаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади, соликлар билан тартибга солинади ва энг юкори микдори билан чекланмайди;

меҳнатга хак тулашнинг турлари, тизимлари ва микдорлари, шунингдек, ходимларнинг бошка куринишдаги даромадлари амалдаги конунчилик ва меъёрларга мувофик белгиланади;

ходимлар иш хакининг энг кам микдори Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофик белгиланади.

4.3. Ижтимоий фаолият.

Меҳнат шароитларини яхшилаш ва давомийлигини ўз ичига олган ижтимоий тараккиёт масалалари, Бошкарма меҳнат жамоаси томонидан, маъмурият иштирокида Ўзбкистон Республикаси конунчилиги хужжатларига мувофик хал этилади.

Бошкарма давлат ижтимоий суғурта ва нафака жамгармаларига ўтказадиган чегирмаларни амалдаги конунчилик ва Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган тартиб ва микдорларда амалга оширади.

## 5. ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**5.1.** Бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

конунчиликда ҳужжатларида маън этилмаган ва Уставда кўзда тутилган максадлар ва вазифаларга қаратилган хўжалик фаолиятининг барча турларини амалга ошириш;

бошкарма учун ишлар бажараётган ёки хизматлар курсатаеттан бошка корхона ва ташкилотларга моддий ва пул маблағларини, шу жумладан, ягона баркарорлаштириш жамғармаси маблағларини бериш;

ходимлар меҳнатига хак тўлашнинг усуллари ва турларини мустакил белгилаш;

фойдаланишдаги сув кувурларини, биноларни ва иншоотларни реконструкция килиш ва таъмирлаш, технологик жиҳозларни, махсус автотранспорт воситаларини ва механизмларни таъмирлаш ва алмаштириш;

объектлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш ишларини бажарувчи ташкилотлар билан шартномалар тўзиш, республика бюджети маблағлари ва ишлаб - чиқаришни ривожлантиришнинг марказлашган жамғармаси, шунингдек, банк кредитлари ҳисобидан амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ишлаётган объектларни кенгайтириш, реконструкция килиш ва техник қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошираётганда пудрат, хўжалик ва хўжалик - пудрат усулларидан фойдаланиш;

хўжалик фаолияти натижаларига кўра, Уставга мувофик белгиланган тартибда ходимларни мукофотлаш ва рағбатлантириш;

ёрдамчи хўжалик ташкил қилиш ва етиштирилган махсулотларни ўз ходимларига имтиёзли, ташқарига эркин нархда сотиш;

давлат корхонаси муассис билан келишув буйича, конун ҳужжатлари талабларига риоя килган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин;

филиал ёки ваколатхона ташкил этилгандан кейин бир хафта муддатда давлат корхонаси бу тўғрида Ўзбекистон республикаси Давлат мулки кўмитасини (унинг худудий бошкармасини) хабардор қилиши шарт;

давлат корхонасининг филиаллари ва ваколатхоналари уларни ташкил этган давлат корхонаси номидан, давлат корхонаси томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият кўрсатади ва уни ташкил этган давлат корхонаси мулкига эга бўлади;

давлат корхонаси филиали ёки ваколатхонаси рахбари давлат корхонасининг раҳбари томонидан муассис билан келишган холда тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади. Филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда ишончнома давлат корхонаси раҳбари томонидан бекор қилиниш керак.

**5.2.** Бошқарманинг мажбуриятлари:

амалдаги конунчилик ва тузилган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

асосий фондлар ва банк кредитларидан самарали фойдаланишини таъминлаш;

ҳуқуқий ишларини олиб бориш, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» Агентлигининг буйруқлари кўрсатмаларини, фукаролардан келиб тушадиган шикоятлар, таклифлар ва аризаларни ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш;

бошқармада кадрларни тайёрлаш ва жойлаштиришни амалга ошириш;

атроф муҳитни муҳофаза килиш талабларига риоя этилишини амалга ошириш;

носозликларни олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек ёнғин хавфсизлиги ва Давлат мулкини қуриқлаш буйича ишларини амалга ошириш;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси буйича ишларини ташкил этиш.

## 6. ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИНГ МУЛКИ

Давлат корхонасининг мулки:

муассис томонидан давлат корхонасига тезкор бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;

давлат корхонасининг ўз фаолиятидан олинган даромадлари;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

давлат корхонаси мулкининг киймати корхонанинг мустақил балансида акс эттирилади;

ташкил этилган давлат корхонасида давлат мулкини тезкор бошқариш ҳуқуқи топшириш - қабул қилиб олиш далолатномаси корхона раҳбари ва муассис томонидан имзоланган вақтдан бошлаб пайдо бўлади;

давлат корхонаси мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва қўшилган ҳиссалар (улушлар.пайлар) бўйича, шу жумладан давлат корхонаси ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

давлат корхонаси мулкини тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда давлат корхонасининг ижро этувчи органи томонидан муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади;

асосий воситаларни сотиш,уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

хўжалик жамиятларидаги давлат корхонасига тегишли акциялар (улушлар) ни сотиш;

мулкни давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш. Бунда бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотиш Давлат мулки қўмитаси томонидан амалга оширилади бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотишдан тушган маблағлар, уларни сотиб олиш манбаларидан қатъий назар, давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинган маблағлар тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат мулки қўмитаси томонидан тақсимланади.

## 7. ДАВЛАТ КОРХОНАСИ РАҲБАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

Бошқармага Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги билан келишилган ҳолда Ҳайъат қарори билан тасдиқланган директор раҳбарлик қилади.

Давлат корхонаси раҳбари давлат корхонасининг якка ижро этувчи органи ҳисобланади ва корхона олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, давлат корхонаси номидан битимларни белгиланган тартибда амалга оширади, ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар берилади.

давлат корхонаси ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорлари раҳбар томонидан муассис билан келишган ҳолда тасдиқланади;

давлат корхонаси раҳбари муассис олдида корхона уставида белгиланган тартибда корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради

давлат корхонасининг раҳбари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда давлат корхонаси манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши

керак ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг , иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эхтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан корхонага берилган давлат мулки йўқолган тақдирда давлат корхонасига етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

## 8. ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Давлат корхонаси ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва руйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

Давлат корхонаси фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

## 9. ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИНГ ФОЙДАСИ

Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин давлат корхонасида қоладиган соф фойда корхона ихтиёрида қолади ҳамда ундан муассис билан келишган ҳолда фойдаланилади.

Давлат корхонаси ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига корхона уставида назарда тутилган тартибда ва муассис билан келишилган миқдорларда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

## 10. ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Давлат корхонаси ўз мажбуриятлари буйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис корхона мулки етарли бўлмаганда давлат корхонаси мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради. Давлат корхонаси муассисининг мажбуриятлари буйича жавоб бермайди.

Давлат корхонасининг филиал ива ваколатхонаси мажбуриятлари бўйича уларни ташкил этган давлат корхонаси жавоб беради.

## 11. ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

Давлат корхонаси муассис қарорига кўра, тегишли равишда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.